

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҚСУДОВ УЛУҒБЕК ҚУРБОНОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ
ВОСИТАСИДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мақсудов Улугбек Қурбонович

Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий
фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими 3

Мақсудов Улугбек Қурбонович

Педагогическая система развития навыков социальной активности
подсредством фольклора в учениках начальных классов 23

Maksudov Ulugbek Kurbonovich

Pedagogical system for the development of social activity skills through folklore in
primary school students 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҚСУДОВ УЛУҒБЕК ҚУРБОНОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ
ВОСИТАСИДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Ped762 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджонова
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Роҳат Ғайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Азимова Зиёда Эргашевна
педагогика фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "24" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)

Диссертация автореферати 2021 йил "13" март куни тарқатилди.
(2021 йил "13" март даги 12 - рақамли реестр баённомаси).



С. Т. Турғунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор



Ш.К.Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)



Т.А.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш асосида жамият аъзоларининг онгли ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнига халқ оғзаки ижоди намуналарини инновацион технологиялар орқали татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда шахс ижтимоийлашуви қонуниятларини ўрганиш орқали муайян тарихий босқичда яшаган жамият аъзоларининг аксиологик тафаккур маҳсули бўлган халқ оғзаки ижоди намуналаридан педагогик жараёнда унумли фойдаланиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Маданий ривожланиш жараёнида шарқона таълим-тарбиянинг ижтимоий моҳияти, унинг маънавий-маърифий аҳамияти ва такомиллашуви ёшларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш тизимини амалий-технологик ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунёда замонавий ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида шахснинг ижтимоийлашуви бўйича миллий идентиклик (ўзига хослик)ни шакллантириш ҳамда тизимлаштиришнинг этнопедагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, номоддий меросни ўрганиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик имкониятларини такомиллаштириш, анъанавий ва инновацион ёндашувларни интеграциялаш асосида ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ривожлантириш ҳамда турли миллат ва элатлар маданиятининг нодир ёдгорлиги бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарини аниқлаш ва тизимли қўллашга бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнларини янги сифат босқичига олиб чиқиш, бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, бошланғич синфлар учун миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг инновацион технологияларини оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган "... жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш"¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон. 70-модда.

халқ оғзаки ижоди намуналари асосида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш каби йўналишдаги тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш, бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолияти ва билиш фаоллигини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш масалалари Б.Абдуллаева, Б.Адизов, Н.Дилова, Р.Ибрагимов, Г.Нажмиддинова, Р.Нуржанова, Р.Г.Сафарова, З.Холматова; шунингдек, шахсда ижтимоий фаоллик кўникма ва малакаларини тарбиялаш масалалари А.Акрамов, М.Махмудова, Н.Эгамбердиева, Т.Эгамбердиева, И.Эргашев, Э.Юсупов, С.Юлдашева, И.Сафарбуваева, Ф.Қаноатова, З.Қодирова, Қ.Қуранбоев, Х.Тожибоева; халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш муаммолари А.Тешабоев, Ҳ.Рўзметов, Н.Сафарова, Ғ.Соатов, Д.Юлдашева, Ҳ.Назарова каби педагог, психолог, файласуф, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида шахсининг ижтимоий ривожланиши муаммоси Л.И.Аманбаева, Н.В.Бордовская, Ю.Л.Воробьев, Б.С.Волков, В.В.Зинченко, С.Ю.Королькова, Б.Т.Лихачев, В.Г.Маралов, Л.Б.Осипова, Л.И.Петрова, И.П.Подласый, А.А.Реана, А.А.Савастьяна, Г.К.Селевко, В.А.Ситаров, Д.Б.Эльконин; бошланғич синф ўқувчилари шахсининг ташаббускорлигини ривожлантиришда фольклорнинг роли А.Г.Асмолов, Л.И.Боровиков, Д.Б.Богоявленская, Е.Д.Беспанская-Павленко, Д.В.Григорьев, А.А.Грачев, В.А.Ельцова, Л.Б.Ермолаева-Томина,

Н.Р.Закирова, С.И.Карпенко, Л.Л.Куприянова, И.А.Кудаева, Л.Н.Коган, Г.А.Курбонова, А.Н.Леонтьев, Г.Ц.Молонов, Я.А.Понаморев, В.П.Ростовский, Л.И.Федоровалар томонидан ўрганилган.

Хорижлик педагог, психолог, файласуф, социолог олимлар А.Amutio, A.Yolanda, L.Breeman, van Lier, A.Giddens, L.Lopez-Gonzalez, F.Clemente, A.Collins, D.Kodish, L.A.Nabors, N.Nicole, V.Christopher, R.Sibarani, V.Frankl, R.O.Ren'еларнинг илмий изланишларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни фольклор анъаналари асосида фаоллаштириш муаммоси таҳлил қилинган ва илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ илмий кузатиш ва таҳлиллар халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни илмий асослаш ҳамда махсус тадқиқ этиш заруратининг сақланиб қолаётганлиги, чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёжнинг юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170930223 (2018-2020 йй.) “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш жараёнларини мураккаб педагогик тизим сифатида илмий асослаш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини халқ оғзаки ижоди воситасида ривожлантиришга йўналтирилган дидактик имкониятларини аниқлаштириш;

халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш жараёнларини амалий-технологик ёндашув асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объектини умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш жараёнлари.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик кузатув, ижтимоий сўров, бошланғич синф ўқувчилари фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташҳислаш, синтез, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш структураси эмоционал-иродавий, мотивацион, когнитив компонентларнинг ўқув-билиш, ақлий, ахлоқий, эстетик фаолият билан горизонтал ва вертикал алоқаларининг шахсий сифатлар билан ички интеграллашув даражасини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

халқ оғзаки ижодининг бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ўзини-ўзи эркин намоён этиш, ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш, маданий меросга қадриятли муносабатни намоён қилишининг барқарорлигини асослаш орқали аниқланган;

ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш моделини жорий этиш алгоритми мақсадли, ташкилий-мазмунли, функционал, диагностика-натижали блок таркибий қисмларининг дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда қайта алоқага киришувини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими индивидуал, гуруҳий, жамоавий иш шаклларида ўзини-ўзи бошқариш жараёнига самарали таъсир воситаси сифатида педагогик мулоқот билан идентифицилиги ижтимоий перцепциясига (бошқаларни идрок этиш) бевосита боғлиқлигини асослаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланган;

дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга доир медиатадбир мажмуи ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш технологиялари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг долзарб муаммо эканлигининг асосланганлиги, “ижтимоий фаоллик”, “ижтимоий фаоллик кўникмалари”, “ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш” тушунчалари мазмун-моҳиятининг ёритиб берилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш тузилмаси ва компонентларининг аниқланганлиги, ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш турларининг таснифланганлиги, халқ оғзаки ижодининг бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларининг очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш модели, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга доир медиатадбир мажмуининг ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш технологиялари такомиллаштирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга доир услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш структураси эмоционал-иродавий, мотивацион, когнитив компонентларнинг ўқув-билиш, ақлий, ахлоқий, эстетик фаолият билан горизонтал ва вертикал алоқаларининг шахсий сифатлар билан ички интеграллашув даражасини ҳисобга олишга доир таклифлардан бошланғич таълим Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 5 августдаги 01/11-02/2-810-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаол фуқаро компетенциясини шакллантиришга қўйиладиган талаблар такомиллаштирилган;

халқ оғзаки ижодининг бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ўзини-ўзи эркин намоён этиш, ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш, маданий меросга қадриятли муносабатни намоён қилишининг барқарорлигини асослаш орқали аниқлага доир амалий таклиф ва тавсиялардан №ПЗ-20170930223 (2018-2020 йй.) “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2895-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф

ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик механизми такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими индивидуал, гуруҳий, жамоавий иш шаклларида ўзини-ўзи бошқариш жараёнига самарали таъсир воситаси сифатида педагогик мулоқот билан идентивлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан №А-1-099 (2015-2017 йй.) “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий ҳавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2895-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш орқали шахсий ахборот хавфсизлиги кўникмаларини таркиб топтириш шакллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 136 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурат сифатида асосланган ҳамда халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Ижтимоий фаоллик умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган педагогик жараён мазмуни устида ишлаш ва тарбиявий жараён субъектларининг ўзлигини намоён қилишларида катта имкониятларга эга. Бугунги кунда ўқувчиларда қуйидаги таянч компетенцияларни шакллантириш зарурати устувор ўрин эгалламоқда: коммуникатив компетенция, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, миллий ва умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси. Мазкур таянч компетенциялардан, айниқса, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси ҳамда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси ўқувчилардан ҳам, ўқитувчилардан ҳам ижтимоий фаоллик кўникмаларига эга бўлишни талаб қилади.

Жаҳон таълим тизимида шахс ижтимоий фаоллиги масалалари бўйича тадқиқотлар Германиядаги Frontiers in Psychology (FIP)да, таълим жараёнида шахс фаоллигини ошириш интерфаол ўқитиш тизимидан (interactive E-learn) фойдаланиш бўйича тадқиқотлар БМТнинг International Institute for Sustainable Development (IISD) ва Буюк Британиядаги Carl Wieman Science Education Initiative (CWSEI) каби дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида олиб борилмоқда.

Тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, шахснинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини халқ педагогикаси тажрибаси асосида болалик давридан ривожлантириш зарур. Бу эса, боланинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш усуллари ва воситаларини алоҳида жамланиши сифатида халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат этишнинг долзарблигини акс эттиради.

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаолликларини ошириш ва ахлоқий тарбиялаш муаммолари устида ишлашда уларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятларини инобатга олиш лозимлиги аниқланган. Улар: 1) ўйинга мойиллик; 2) бир маромдаги фаолият билан узоқ шуғуллана олмаслик; 3) тажрибанинг етишмаслиги сабабли ахлоқий тасаввурларнинг етарли даражада аниқ эмаслиги; 4) амалга ошириш тартиби ва амалий қўллаш ўртасида зиддиятлар бўлиши мумкинлиги; 5) катталар ва тенгдошлари билан мулойим мулоқотни қўллашнинг стихияли эмаслиги (кундалик ҳаётда ва уйда, мактабда ва кўчада).

Замонавий ёш даврлари психологиясида бошланғич синф даври сифатида 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача давр қамраб олинади.

Бошланғич таълим ёшида боланинг ижтимоий мавқеи ўзгариши, катталар томонидан умидлар ва муносабатлар ўзгариши, бола ҳаётида янги аҳамиятли шахс – ўқитувчининг пайдо бўлиши, янги фаолият турини эгаллаш (ўқув), ўқувчининг ички ҳолатини ўзлаштириши, жамият билан муносабатларнинг янги тизимини қуриш содир бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар рефлексия, ижтимоий масъулият, мослашувчанлик, ижтимоий мақбул хулқни имитация қилиш қобилиятининг юқори даражасини ифодалайдилар. Бундан ташқари, бу ёш даврида катталар

билан илк баҳслар ҳам юзага келади ҳамда қуйидаги психологик янги ходисалар кузатилади: психик жараёнларнинг тасодифийлиги, хатти-харакатларнинг ички шарти, рефлексия. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бу даврда кўргазмали-образли фикрлашдан оғзаки-мантиқий, тушунчавий фикрлашга ўтиш содир бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг педагогик хусусиятларига уларнинг айнан шу даврда жуда эмоционалликларини киритиш мумкин. Педагогларнинг асосий вазифалари болаларни ўқув фаолиятига уларнинг оламни идрок этишлари орқали мотивацияларини мақсадга мувофиқ ошириш ҳисобланади.

Баркамол шахс тараққиёти бўйича жаҳонда ҳамда Ўзбекистонда тўпланган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки:

биринчидан, бола шахсининг ижтимоий фаоллиги, энг аввало, жамоада, маълум фаолият турларида шаклланади;

иккинчидан, бошланғич таълим ижтимоий фаоллик ҳамда турли ахлоқ меъёрларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар даври бўлгани сабабли бу даврда ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди воситалари муҳим омил ҳисобланади;

учинчидан, халқ оғзаки ижоди воситасида шаклланган ижтимоий тасаввурлар социал борлиқ мазмунини индивидуал борлиқ билан боғлаш имконини беради. Шунинг учун ҳозирги вақтда тарбиянинг асосий муаммоларидан бири ўз халқи маданиятининг ташувчиси сифатида янги инсон шахсини шакллантириш ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижодини билиш замонавий педагоглар томонидан маънавийлик, миллий маданиятга ва халқ тарихига жалб этишнинг ўзига хос омили сифатида тушунилади, шунингдек, таълим ва тарбиянинг анъанавий тизими ёш авлоднинг кўп қиррали, кўп функционал ижтимоий муносабатларга интеграциялашув имконини таъминлади. Кундалик ҳаёт ва байрамларда, анъана ва урф-одатларда, маҳалла ва оилавий ўзаро муносабатларда болаларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлиги ифодаланган ва ривожланган. Шу сабабдан халқ анъаналарида қўлланилган, асрлар давомида синалган ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш воситаларидан воз кечиб бўлмайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди хилма-хил жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, ўзбек халқининг дунёқараши, бадий завқи, ижодий салоҳияти, орзу ва интилишларини акс эттиради. Халқ оғзаки ижоди эртак, дoston, афсона, ривоят, кўшиқ, лапар, масал, мақол, топишмоқ, латифа ва нақл кабиларни ўз ичига олади. Халқ оғзаки ижоди материалларида ижтимоий ходисалар, курашлар, Ватанни душмандан мудофаа қилиш, халқнинг орзу-умидлари, урф-одатлари, маросимлари ва бошқа турмуш ходисалари ифодаланади.

Ота-боболаримизнинг панд-насихатлари, маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлишнинг талаб-қоидалари, Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби мард ва жасур юрт фарзандларининг жасоратлари, халқимизнинг урф-одатлари, миллий кадриятларимизнинг сўз санъати воситасида ифодаланиши мақол, кўшиқ,

эртақ, дoстoнларда ва бoшқa жанр нaмунaларидa ўз ифoдaсини тoпгaн. Чунoнчи, Фoльклoр термини “хaлқ дoнoлиги” мaънoсини aнглaтaди. Шунинг учун хaлқ oғзaки ижoдигa миллий қaдрият сифaтидa қaрaш oдaт тусигa айлaнгaн.

Олимларнинг фикригa кўрa, кичик мaктaб ёш дaври aлoхидa қулaй идрoк этиш хусусиятигa эгa. Бoлaдa кўргaзмa-oбpaзли фикрлaш ва тaсaввур хaмдa нутқи жaдaл ривoжлaнaди. Психик хaёти тaжрибa тўплaш oрқaли бoйиб бoрaди. Унинг oлaмни идрoк этиш ва тaсaввур бўйичa хaрaкaт қилиши юзaгa кeлaди. Предмет ва хoдисaлар тўғрисидаги умумлaшгaн билимларнинг хoсил бўлиши хaлқ oғзaки ижoди нaмунaлари oрқaли бoрлик билaн тaнишишнинг мұхим бoсқичи хисoблaнaди.

Хaлқ oғзaки ижoди хaлқ пeдaгoгикaсининг aмaлий ва ёрқин воситaларидaн бири бўлиб, ўзидa улкaн дидактик имкoниятларни aкc эттирaди. Хaлқ oғзaки ижoди aсарлaри билaн тaнишиш бoлaларнинг ҳис-туйғулaри ва нутқини бoйитaди, атрoф-oлaмгa муносабaтини шaкллaнтирaди, хaр тoмoнлaмa ривoжлaнтиришдa мұхим aхaмият кaсб этaди.

Хaлқ oғзaки ижoдидaн фoйдалaниш дaрслардa ўқув фaoлиятининг бeтaкрoр элементи сaнaлaди – ўқувчилaргa янги мaтериaлни яхши ўзлaштириш, уни мустaҳкaмлaш, кўникмa ва мaлaкaларни хoсил қилишгa ёрдaм бeрaди. Шунингдeк, фoльклoр ўқувчилaрнинг ижтимоий фaoлликлaри, тaшaббускoрликлaрини ривoжлaнтирaди, билишгa oид хaрaкaтини фaoллaштирaди ва фикрлaш дoирaсини кeнгaйтирaди хaмдa мaктaбгa кeлиб тaълим-тaрбия oлишгa қизиқишини пaйдo қилaди.

Аксaрият мaқoллaрнинг мaзмунини нaфaқaт грaммaтик қoидaларни ўргaтиш учун хизмaт қилaди, бaлки aхлoқий сифaтларни хaм шaкллaнтирaди. Шунингдeк, бoшлaнғич синф ўқувчилaрини ижтимоий фaoлликкa ундaйди. Мaсaлaн, “Хaрaкaт. Хaрaкaтдa бaрaкaт”, “Элдa бoри – сeндa бoри”, “Интилгaнгa тoлe ёр”, “Бугунги ишни эртaгa қўймa”, “Мeҳнaт. Мeҳнaтнинг тaги рoхaт”, “Етти ўлчaб, бир кeс”, “Oбрўнинг oнaси - мeҳнaт, oтaси – хaрaкaт” кaби.

Бoшлaнғич синф oнa тили ва ўқиш дaрсларидa мaқoллaр хaмдa мaтaллaр устидa ишлaш сaвoдхoнликни oширишдa мұхим ўрин эгaллaб, ўқувчилaрнинг тaфaкқури, нутқини ривoжлaнтирaди, дунёқaрaшини кeнгaйтирaди, шунингдeк, улaрдaги ижтимоий фaoллик кўникмaларини тaрбиялaйди.

Диссертaциянинг иккинчи бoби **“Хaлқ oғзaки ижoди воситaсидa бoшлaнғич синф ўқувчилaридa ижтимоий фaoллик кўникмaларини ривoжлaнтиришнинг пeдaгoгик шaрт-шaрoитлaри”** дeб нoмлaниб, бoшлaнғич синф ўқувчилaридa ижтимоий фaoллик кўникмaларини ривoжлaнтиришдa хaлқ oғзaки ижoдидaн нaмунaлар ва улaрни тaнлaш тaмoйиллaри aниқлaнгaн; хaлқ oғзaки ижoди воситaсидa бoшлaнғич синф ўқувчилaрининг ижтимоий фaoллигини ривoжлaнтириш бoсқичлaри, шaкллaри, мeтoдлaри бeлгилaнгaн; бoшлaнғич синф ўқувчилaридa хaлқ oғзaки ижoди воситaсидa ижтимоий фaoллик кўникмaларини

ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ҳақида фикр юритилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллик кўникмаларини узвий шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарини танлашда муайян тамойилларга асосланилади: халқ оғзаки ижодининг бола учун тушунарлилиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг бошланғич синф ўқувчиларида таянч ва фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга қаратилганлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўрсатмаллилиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг машғулот мавзуси билан алоқадорлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг болалар реал билиш имкониятларига ҳамда қизиқишларига асосланганлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг босқичма-босқич мураккаблашиб бориш тамойили; халқ оғзаки ижоди намуналарининг болалар фаоллигини оширишга қаратилганлиги кабилар.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш воситалари

Болаларда фольклор билан танишиш атроф-оламга, халқ сўзи ва урф-одатларига қизиқишни, диққатни, нутқни, ижтимоий фаолликни ривожлантиради, шунингдек, ахлоқий одатлар шаклланади, жамиятда хулқ меъёрлари тўғрисидаги билимлар бойитилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш воситалари қуйидаги расмда акс этган (1-расмга қаранг).

- ўрганиладиган ҳодисаларнинг муҳимлиги, аҳамиятга эгаллигини ифодаловчи содда, қизиқарли ва тушунарли топишмоқлар;

- воқеаларининг аҳамиятлилиги ҳақида хулосалар чиқаришга ундовчи эртаклар;

- ҳодисанинг қимматлилигига мустақил баҳо беришга йўналтирилган ўйинлар;

- муайян вазиятларда аниқ ҳаракатлар усулларини бажариш ва реал танловлар қилишга ундовчи мақоллар.

Тадқиқот натижалари қуйидаги педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, асослаш ва амалга ошириш имконини берди:

1) кичик мактаб ўқувчиларини халқ оғзаки ижодини ўрганишга ва халқ оғзаки ижоди асарларини шахсий ижодий фаолиятида интерпретациялашга ундовчи шахсий мазмунни актуаллаштириш;

2) халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш жараёнида фанлараро интеграцияни таъминлаш;

3) бошланғич синф ўқувчиларининг халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишлари жараёнида ҳудудий халқ оғзаки ижодининг ўзига хос локал хусусиятларини ҳисобга олиш.


Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён муайян шарт-шароитларни тақозо қилади. Мазкур педагогик шарт-шароитларни амалга ошириш мақсадида халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган педагогик жараён модели ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни олади: мақсадли, ташкилий-мазмунли, функционал ва диагностик-натижали блоклар (2-расмга қаранг).

Учинчи боб **“Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожланганлик самарадорлиги”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқ этилаётган масаланинг амалиётдаги ҳолати, халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлиги ва ишончилигини ифода этувчи материаллар баён қилинган.

Тажриба-синов ишларининг ташкилий-тайёргарлик босқичида тажриба майдонлари танланди, босқичлари расмийлаштирилди, респондентлар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ҳамда ишланмалар тайёрланди.

Тажриба-синов ишларида халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг метод ва воситалари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари доирасида ташкил этилган ҳар бир дарс жараёни ва тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги аниқланди. Респондент ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқиши, ўзлаштириши ва фикрлари умумлаштирилди. Ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирокида халқ оғзаки ижодига оид суҳбат, давра суҳбати, дебат, баҳс-мунозара, маъруза, амалий семинар ва тренинглари ташкил этилди.



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

Асословчи тажриба-синов ишларининг натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик ҳақидаги билим ва дунёқараш ривожланди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида синфдан ташқари шароитларда уюштирилладиган тадбирларнинг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилди. Бунда Мустақиллик байрами, Ўқитувчилар куни, Ҳосил байрами, Алифбе байрами, Янги йил байрами, Наврўз байрамига бағишлаб турли тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг фаолликлари кўзга ташланди. Ушбу ҳолат бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди намуналарига бўлган қизиқишлари юқори эканлигидан далолат берди. Биз бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлигини юқори, ўрта, паст даражаларга бўлдик.

Юқори даража: халқ оғзаки ижоди жанрларини билади, ўз фаолиятида улардан ўринли фойдалана олади. Ижтимоий фаоллик кўникмаларини намоён қила олади. У доимо ташаббус кўрсатиб, тадбирларда фаол иширок этади.

Ўрта даража: халқ оғзаки ижоди жанрларини билади, ижтимоий фаоллик кўрсатишга тайёр бўлиб, миллий анъаналар ва маданиятга ҳурмат билан қарайди. Турли тадбир ва жамоат ишларида қатнашади. Аммо уларнинг фаолиятида узилишлар бўлиб туради.

Паст даража: ўқитувчи ёки жамоанинг топшириғига кўра атрофидагиларга ёрдам беради. Халқ оғзаки ижодини ўзлаштиришга қизиқиш билан қарайди, жамоат ишларида, турли тадбирларда фаоллик кўрсатмайди, назорат остида иштирок этади.

Халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлик даражасини аниқлашда бошланғич синф ўқувчиларининг эгаллаган билим ва тушунчаларини ҳаётда қўллай олишлари назарда тутилди. Халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлиги ўқувчиларнинг хулқида, ақлий ривожланишида намоён бўлди. Бошланғич синф ўқувчилари атроф-муҳитга ўз муносабатини билдира оладиган, халқ оғзаки ижоди намуналаридан ўз фаолиятларида фойдалана оладиган, тенгдошларидаги ташаббус, ижтимоий фаоллик кўникмаларини кадрлайдиган бўлиб, уларни ўз фаолиятида намоён этдилар. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг онги ва тафаккури маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси ривожланади. Ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди жанрларидан ўринли фойдаланишга одатланадилар, натижада уларнинг ижтимоий фаоллик даражаси ортди.


Биз олиб борган педагогик тадқиқот ишлари асосида бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлигининг сифат ва миқдорий ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилди.

3.1-жадвал


Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлигининг сифат ва миқдорий ўзгаришлари

Гуруҳлар даражалар	Назорат гуруҳлари				Тажриба гуруҳлари			
	Тажриба бошида, 285 нафар ўқувчи		Тажриба охирида 287нафар ўқувчи		Тажриба бошида 288 нафар ўқувчи		Тажриба охирида 291 нафар ўқувчи	
	Нафар	%	Нафар	%	Нафар	%	Нафар	%
Биринчи (юқори)	72	25,2	49	17,3	86	29,7	165	57,1
Иккинчи (ўрта)	56	19,7	103	35,6	57	19,8	87	29,6
Учинчи (паст)	157	55,1	135	47,1	145	50,5	39	13,3

Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлигининг сифат ва миқдорий ўзгаришларининг диаграммаси қуйидагича бўлади (3-4 расмлар);



3-расм. Статистик кўрсаткичларнинг тажриба бошидаги диаграммаси



4-расм. Статистик кўрсаткичларнинг тажриба охиридаги диаграммаси

Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлигининг сифат ва миқдорий ўзгаришларини ифода этувчи 1- жадвалдаги рақамли маълумотларни таҳлил

қилиб, улардан тегишли хулосалар чиқариш мақсадида математик-статистика усулларида фойдаландик. Бунинг учун “юқори”, “ўрта” ва “паст” даражаларни шартли равишда “5”, “4” ва “3” балларга алмаштириб, уларни назорат гуруҳлари учун X ва тажриба гуруҳлари учун эса Y орқали белгиладик (2-жадвал). Бу гуруҳлардаги ўқувчилар сонларини эса n ва m лар орқали белгилаб олдик.

2-жадвал

Баҳолар	3	4	5
Гуруҳлар			
Назорат гуруҳи	135	103	49
Тажриба гуруҳи	39	87	165

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизими юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари бўйича олинган кўрсаткичлар математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўрта қийматлар, ўртача квадратик четланишлар, танланма дисперсиялар, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди.

3-жадвал

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	χ^2	Δ_x	Δ_y
3,70	4,44	0,55	0,5064	1,18	0,94	12,33	855,7	104,05	0,09	0,08

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=3,70$; $\bar{Y}=4,44$; $\Delta_x=0,09$; $\Delta_y=0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{Y} - \Delta_y)}{(\bar{X} + \Delta_x)} = \frac{4,44 - 0,08}{3,7 + 0,09} = \frac{4,36}{3,79} = 1,15 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{Y} - \Delta_y) - (\bar{X} - \Delta_x) = (4,44 - 0,08) - (3,70 - 0,09) = 4,36 - 3,61 = 0,75 > 0;$$

Олинган натижалардан бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлик самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонини нолдан катталиги билан кўриш мумкин.

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш, назорат гуруҳидагига нисбатан 13,8 % га юқори эканлиги исботланди. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Бу эса халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш тадбирлари яхши натижа берганини ифодалайди.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлил тажриба гуруҳларида халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланганлиги назорат гуруҳларидагидан сезиларли даражада юқори эканлигини исботлади. Бу эса тажрибанинг самарадор эканлигини бизнинг кўзлаган мақсадимиз тасдиқланганини кўрсатади.

ХУЛОСА

Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ҳаётий компетенцияларни шакллантиришнинг муҳим шарти эканлиги назарий жиҳатдан асосланди.

2. Ижтимоий фаоллик кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий-эмоционал, маънавий-ахлоқий лаёқатларини намоён эта олишини таъминловчи асосий фаолият даражаси ҳисобланади.

3. Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш натижасида ўқувчиларнинг фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларини самарали шакллантириш учун қулай педагогик муҳит қарор топади, ижтимоий фаолликни ривожлантириш ўқув жараёнининг асосий мақсадига айланади.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини самарали ривожлантириш учун рефлексив, ижтимоий-маданий, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, ижтимоий фаолликка ундовчи турли топшириқлар, халқ оғзаки намуналаридан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш натижасида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш имкониятлари кенгайди, ижтимоий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий лаёқатларини рўёбга чиқаришлари учун қулай вазият вужудга келади.

6. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари: гендер ўзига хослик, тафаккур тарзи, нутқнинг ривожланганлиги, ҳаракат суръати, топшириқ мазмунини идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиш кутилган самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

7. Бошланғич синф ўқувчилари ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди намуналари: топишмоқ, эртак, тез

айтишлар, мақоллар, халқ кўшиқлари, ўйинларни кўллаш босқичлари, шакллари, методлари, педагогик шарт-шароитлари миллий, тарихий ҳамда ижтимоий педагогик имкониятларни интеграциялаш уларда ижтимоий фаолият кўникмаларини ривожлантириш учун қулайлик яратади.

8. Маданиятшуносликка асосланган ёндашув доирасида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида тушунилади. Мустақил фикрлаш билан бир қаторда, ўқувчиларнинг ижтимоий фаолликлари бир неча руҳий ҳолатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

9. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари аниқ педагогик технологиялар воситасида мазкур йўналишдаги изланишлар ижобий самара беришини кўрсатди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- бошланғич синф ўқитувчиларини малакасини ошириш жараёнидаги ўқув дастурлари ва қўлланмалар мазмунига ушбу йўналишдаги назарий ёндашувлар, методик тавсиялар ва рефлексив, ижтимоий-маданий, шахсга йўналтирилган таълим технологияларни сингдириш;

- бошланғич синф ўқитувчилари ва дарслик муаллифлари учун халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга хизмат қиладиган фольклор намуналарини синфлар кесимида тақсимлаб беришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш ва ўқувчилар иштирокида фольклор фестивалларини ўтказиш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ўқувчиларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш компетенциясини ҳосил қилиш мақсадида “Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш” номли махсус курс ташкил этиш;

- бошланғич синф ўқувчиларида фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларни такомиллаштириш мақсадида халқ оғзаки ижоди намуналари тўпламини яратиш;

- бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиш жараёни методик-семинар, кўрик-танловлар, услубий кўрсатмалар, кўргазмали қуроллар танловларини ташкил қилиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.03. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАКСУДОВ УЛУГБЕК КУРБОНОВИЧ

**ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ СИСТЕМА РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ
СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ
КЛАССОВ ПОСРЕДСТВОМ ФОЛЬКЛОРА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Ped762.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.namdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Эгамбердиева Тургуной Ахмаджоновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Азимова Зиёда Эргашевна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Какандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «27» март 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160107, город Наманган, ул. Бобуршоҳ №161. Тел.: (99869)228-85-01; факс.: (99869)228-85-02; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № 12). Адрес: 116019, город Наманган, ул. Уйчи, № 316. Тел./факс: (+99869) 277-29-81.

Автореферат диссертации разослан «13» март 2021 года.
(протокол рассылки № 12 от 13 март 2021 года).

С.Т.Тургунов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Ш.К.Хужамбердиева
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философий (PhD)
по педагогическим наукам

Т.А.Эгамбердиева
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется организации интеллектуального сотрудничества членов общества на основе развития навыков социальной активности, применения образцов устного народного творчества в образовательно-воспитательном процессе с использованием инновационных технологий. В развитых странах проводятся исследования по изучению закономерностей социализации личности с эффективным использованием в педагогическом процессе видов фольклора, являющихся примерами аксиологического мышления общества на определенном историческом этапе. Это требует совершенствования педагогической системы практико-технологических подходов к развитию навыков социальной активности через фольклор у младших школьников.

В мире проводится ряд научных исследований по разработке этнопедагогических условий в систематизации образцов фольклора, позволяющих совершенствовать педагогические механизмы развития социальных навыков учащихся, формирования личностной социализации и определении национальной идентичности школьников. В частности, важно совершенствовать педагогические механизмы формирования социального опыта у младших школьников через изучение нематериального наследия, развитие социально-педагогической системы развития у учащихся чувства национальной гордости на основе интеграции традиционных и новаторских подходов. Выявление и систематизация средств фольклора, являющихся результатом педагогического мышления разных национальностей и этнических групп, проявляется как важный фактор в развитии навыков социальной активности учащихся младших классов.

В нашей стране важным является выход образовательного процесса на новый качественный уровень, совершенствование педагогических механизмов повышения социальной активности младших школьников. Особое значение имеет разработка национальных учебных программ для начальной школы, совершенствование инновационных технологий в развитии социального интеллекта учащихся. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие приоритетные задачи, как “воспитание физически здоровой, психически и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей молодежи, имеющей твердую жизненную позицию и преданной Родине, повышение социальной активности молодежи в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества”², что ставит перед педагогическими науками обязательство проведения теоретических исследований на уровне мировых стандартов. В связи с этим необходимо выявить и усовершенствовать модель психолого-педагогических особенностей

² Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70.

развития социальной активности младших школьников при изучении фольклора.

Данное исследование в определенной степени послужит выполнению поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», №ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2019 года № 1059 «Об утверждении Концепции непрерывного духовного воспитания и мер по ее реализации», а также других нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы расширения возможностей для развития познавательной активности младших школьников в нашей стране изучали такие ученые педагоги, психологи, философы, социологи, как Б.Абдуллаева, Б.Адизов, Н.Дилова, Р.Ибрагимов, Г.Ибрагимова, Г.Нажмиддинова, Р.Нурджанова, Р.Г. Сафарова, З. Холматова, также вопросы воспитания у личности навыков и способностей социальной активности изучались А.А. Акрамовым, М. Махмудовой, Н.М. Эгамбердиевой, Т.А. Эгамбердиевой, И. Эргашевым, Э.Ю.Юсуповым, С.Т.Юлдашевой, И.Р.Сафарбуваевой, Ф.Каноатовой, З.Р.Кадировой, К.К.Куранбаевым, проблемы социализации школьников через фольклор изучали А.Тешабоев, Х.Рузметов, Н.Сафарова, Г.Соатов, Д.Юлдашева, Х.Назарова.

